



## ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ОНГИГА ДЕСТРУКТИВ ҒОЯЛАР ТАЪСИР ЭТИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Реймов Тимур Мамбеткаримович**

Жамоат хавфсизлиги университети,

Магистратура тингловчиси,

Подполковник.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7314926>

### ARTICLE INFO

Received: 1<sup>st</sup> November 2022

Accepted: 10<sup>th</sup> November 2022

Online: 12<sup>th</sup> November 2022

### KEY WORDS

*Экстремизм, терроризм, қарама-қаршилик, экстремизм ва терроризмга қарши кураш, экстремистик жиноятлар, ақидапарастлик.*

### ABSTRACT

*Ушбу тезис жамиятдаги экстремизм ва терроризм каби долзарб муаммоларни ўрганишга қаратилган. Экстремистик ва террористик жиноятларнинг хавфлилиги шу билан изоҳланади. Давлатимиз қўп миллатли давлатлардан бўлиб, унда 130дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилади, уларнинг менталитети ва динга муносабати ҳар хил. Турли миллат вакиллари ўртасида этник адоватни қўзғатиш турли салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, мазкур жирканч иллатларнинг ёшларимиз онгига таъсири, уларнинг миясининг заҳарланиши, бугунги кунда турли кўриниш ва шакллардаги маънавий таҳдидларнинг асосан ёшларимизга қаратилганлиги долзарб мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Шу сабабли экстремизм ва терроризм, уларнинг ёшлар онгига таъсир этиши ҳақидаги илмий тадқиқотлар зарур ва долзарб ҳисобланади.*

Ҳаммамизга маълумки, бугунги кунда экстремизм ва терроризм инсоният тарихидаги энг хавfli иллатларнинг бирига айланди ва мамлакат тараққиёти ҳамда фуқаролараро ҳамжиҳатликка раҳна солмоқда.

Бу иллатлар алоҳида мамлакатларнинг миллий хавфсизлиги ва умуман жаҳон ҳамжамиятига жиддий таҳдид ўйғотувчи омил сифатида сўнгги вақтларда тобора кучайиб, нақадар долзарб муаммоларнинг бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга

йўллаган мурожаатномасида **“Жаҳонда шиддат билан ўзгараётган нотинч ва мураккаб вазият, турли можаролар жонажон Ватанимиз хавфсизлигини, эл-юртимиз осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда мавжуд таҳдид ва хатарларга муносиб жавоб беришга доим тайёр туришимизни тақозо этмоқда”** деб айтиб ўтганлар. [1]

Дунёда бўлаётган геосиёсий, диний ва бошқа турдаги экстремизм ва терроризм хавфининг Ўзбекистон Республикасида ҳам намоён бўлиши муаммоси келгусида жамият ва давлат



хавфсизлигига таҳдид туғдиришга олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда экстремистик ва террористик ташкилотлар дунёнинг турли давлатларида ўзларининг жирканчли, жинояткорона мақсадларини амалга оширишга уринишлари натижасида ушбу давлатлардаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазиятларни издан чиқаришга эришмоқдалар. Минг афсуски, сўнгги вақтларда шу каби уринишлар Ўзбекистон Республикасида ҳам кузатилиб, давлат томонидан берилаётган эътиқод ва ахборот эркинлиги ва ошкоралиқдан фойдаланиб, давлат сиёсати ва амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларга ҳам диний мутаасиблик ва экстремистик қарашлар орқали баҳо бериш ҳолатлари содир бўлмоқда.

Бугунги кунда ахборот технологияларнинг шиддат билан ривожланиб бориши билан экстремистик ва террористик ташкилотлар ҳам ўз тарафдорларини кўпайтириш, сафларини тўлиқтириш ва кенгайтириш мақсадида фуқароларни турли янгича усуллар билан ёллашмоқда.

Ҳозирда асосий муаммоларимиздан бири, аҳолининг, айниқса, ёшларимизнинг онгу тафаккурини эзгулик ва маърифат асосида шакллантириш ҳамда тарбиялаш биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Қайд қилиш лозимки, бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шахсан ўз ташаббуслари ва кўрсатмалари асосида юртимизда диний-экстремистик ва деструктив характердаги турли оқим ва

гуруҳларнинг бузғунчи ғояларига қарши кураш борасида мисли кўрилмаган кенг кўламли ислоҳатлар амалга оширилиб келинмоқда. [2]

Шу билан бирга давлатимиз раҳбари юқорида келтирилган масалалар юзасидан “Айни вақтда дунёнинг баъзи минтақаларида юзага келган нотинч вазият аҳоли миграцияси кучайишига, бу эса, ўз навбатида экстремизм ва терроризм тарқалишига ҳамда уларнинг глобал муаммоларидан бирига айланишига олиб келмоқда. Бундай вазиятда миллий давлатчилигимиз, мустақиллигимиз, аҳолимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти ва хавфсизлигимизни сақлаш биз учун энг устувор вазифага айланиб бормоқда” деб сўзлаганлар.

Муҳтарам Президентимиз жаҳон ҳамжамияти эътиборини Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида амалий ҳамкорликни янада мустақкамлаш, экстремизм ва терроризм, транс миллий жиноятчилик ва наркотрафик таҳдидларга қарши самарали курашишни БМТ превентив дипломатия усулларидан фойдаланган ҳолда, шунингдек, МДХ, ШХТ, ЕХХТ ва бошқа нуфузли халқаро ҳамда минтақавий тузилмалар механизмлари доирасида таъминлаш мумкин эканига, хавфсизликка таҳдидларни “ўзиники ва ўзгаларники” деб ажратишдан воз кечиб, “яхлит хавфсизлик” тамойилига риоя қилиш зарурлигига қаратмоқдалар. [3]

Республикамиз бошчилигида ҳукуватимиз томонидан экстремизм ва терроризмга қарши кураш борасида жаҳон ҳамжамияти учун намуна бўлиши мумкин бўлган самарали ишлар



қаторида қўйидагиларни қайд этиш мумкин:

1) Тўғри йўлдан адашганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва уларни соғлом ҳаётга қайтариш мақсадида мазкур шахслар билан кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда тушунтириш профилактика ишлари тизимли ташкил қилиниб, уларни махсус руйхатдан чиқариш бўйича механизм яратилди.

2) Ёшларни илм-маърифатга ўргатиш, уларга ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, ислом маданиятининг асл қадриятларини етказиш, маърифий ислом таълимоти, буюк аждодларимизниг улкан маънавий меросларини чуқур урганиш, жамиятда диний ва миллий бағрикенглик ва ҳамкорликни мустаҳкам қарор топтириш орқали аҳоли, айниқса, ёшларда ақидапарастлик ғояларга нисбатан мустаҳкам маънавий ҳимоя қобиғи шакллантириш мақсадида Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

3) Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг диний экстремизмга қарши кураш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамкорликни янада кучайтиришга йўналтирилган тадбирлар дастури қабул қилинади. Ушбу дастур доирасида давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳалла йиғинларида, аҳолининг турли қатламлари орасида экстремизм ва терроризм билан боғлиқ таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган семинар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиш йўлга қўйилган.

4) Ақидапарастлик қоидалари тарқалишини олдини олиш мақсадида ОАВ ва бошқа ахборот етказиш воситаларидан самарали фойдаланишга урғу берилмоқда.

5) Хориждаги меҳнат мигрантлари, талабалар ва вақтинча истиқомат қилаётган ватандошларимизни экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишини олдини олиш юзасидан зарур тадбирлар амалга оширилмоқдалар. Республикаимизнинг таниқли уламолари РФ Москва, Санкт-Петербург, Екатеринбург, Новосибирск ва Қозон шаҳарлари, Чуваш Республикаси, Сибир ўлкаси, Свердловск ва Омск вилоятларига, Украинанинг Киев шаҳрига хизмат сафарларига юборилиб, мазкур ташрифлар давомида ўтказилган диний-маърифий учрашувларда маърифий ислом таълимоти ҳамда ҳозирги бузғунчи оқимлар томонидан нотўғри талқин қилинаётган “ҳижрат”, “жиҳод”, “шахидлик”, каби тушунчаларнинг асл моҳияти ҳақида кенг тушунчалар берилмоқда.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, ёшлар онгига деструктив ғоялар таъсир этишининг олдини олиш мақсадида ўтказилаётган доимий илмий-амалий форумларда (анжуманларда ва ҳ.к.) деструктив ғояларга қарши курашиш бўйича тажриба ва амалиёт алмашиш учун Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатлари олимлари (диншунослар, психологлар, ҳуқуқшунослар ва бошқалар) ҳамжамиятини ташкил қилиниб, ўз-аро тажриба алмашишни ва ҳамкорликни йўлга қўйиш керак. Шу билан бирга, ушбу ҳамкорликда ёт ғояларга қарши курашнинг узоқ муддатли стратегияси яратилиб,



муҳокама натижаларидан  
фойдаланишимиз мақсадга мувофиқ.  
- ОАВ, таълим муассасаларининг  
интернет ресурсларида ёшларда  
деструктив ғояларга қарши  
иммунитетни шакллантириш ва  
тарбиялашнинг замонавий усулларини,  
юксак ҳуқуқий маданиятни, махсус ва  
маърифий дастурларнинг мобил  
иловалари, видеодарслар, комикслар ва  
бошваларни ишлаб чиқиш, улардан  
унумли фойдаланиш;  
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва  
“Интернет провайдер”ларнинг глобал

интернет тармоғига ўзаро  
ҳамкорлигини тартибга солиш  
механизмини яратиш ва амалга ошириш  
бўйича чора—тадбирларни амалга  
ошириш керак;  
Шу нуқтай назардан, ёшларнинг  
эҳтиёжлари, қизиқишларини ҳисобга  
олган ҳолда, уларнинг хатти-  
ҳаракатларини, куч ва имкониятларини  
жамият учун фойдали бўлган  
йўналишга буриш бугуни кунда асосий  
вазифаларимиздан бири бўлиб  
қолаверади.

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2020 йил 25 январь).
2. “Замонавий террористик ва экстремистик ташкилотларнинг жамиятга таҳдиди” Услубий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Марказий Осиё; ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. (Самарқанд шаҳри, 2017 йил, 10 ноябрь)// [www.president.uz](http://www.president.uz) Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати расмий веб-сайти.